# ИСЛОҲОТСИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎҚ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. ЕТТБ айни шу мақсадни кўзлаб бу йилги анжуман учун Марказий Осиёни танлаган бўлса, ажаб эмас.

**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА.** *Доктор Свиечиский 1989-91-йилларда Польша Ташқи иқтисодий алоқалар вазири, 1994-1999-йилларда Варшава шаҳри мэри, 1999-2000-йилларда Польша Иқтисодиёт вазири ўринбосари вазифасида ишлаган.*

## ШАРҚОНА ДИПЛОМАТИЯ НАМУНАСИ

Якшанба ва душанба кунлари Бизнес-форум доирасида ЕТТБнинг 27 мамлакати тақдимоти бўлиб ўтди. Македония, Россия, Босния ва Герцоговина, Сербия ва Черногория, Руминия, Польша, Хорватия каби давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам йиллик натижаларини эълон қилди. Айтиш мумкинки, тақдимот маросимлари ҳар бир мамлакат учун сарҳисоб вазифасини ўтади. Молия вазири М. Нормуродов мамлакатимизнинг 2002 йилдаги иқтисодий муваффақиятларига тўхталиб ўтди. Давлат мулки қўмитаси раиси М. Асқаров эса хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жараёни ҳақида маълумот берди. Эътиборлиси, М. Асқаров ҳам худди ТИВ 1-ўринбосари В. Норов каби соф инглиз тилида маъруза қилди. Бизнингча, шарқона дипломатиянинг бу кўриниши чет эллик ҳамкорлар билан янада яқинроқ алоқалар ўрнатишга имкон беради. Маърузалар тугаши биланоқ журналист ва бошқа қатнашчилар нотиқларни саволларга кўмиб ташлашди. Мамлакатда Халқаро валюта фонди талаблари қандай бажариляпти? Қашшоқлик муаммосига Ўзбекистоннинг муносабати қандай? Шу каби саволларга вакиллар жавоб бердилар. Бундан ташқари, форум доирасида савдо ҳамкорлиги, глобаллашув, ишончли бизнес мавзуларига бағишланган семинарлар ҳам ўтказилди.

## КИПЛИНГ ҲАМ АДАШАДИ

Шу куни "Туркистон" саройида Бошқарувчилар кенгаши биринчи сессияси иш бошлади. Йиғинга кенгаш раисаси Клейр Шорт хоним раҳбарлик қилди. Дастлаб сўзга чиққан Президентимиз Ислом Каримов меҳмонларни ташриф билан қутлади. Давлатимиз раҳбари мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, тобора кенгайиб бораётган халқаро ҳамкорлик муносабатлари ҳақида гапирди. Шунингдек, Президентимиз мамлакат келажаги цивилизациялашган, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Ғарб билан интеграцияга боғлиқ эканини таъкидлади. Шундан сўнг кенгаш раисаси К. Шорт ЕТТБнинг 2002 йилги фаолияти хусусида ҳисобот берди.



Шорт хонимнинг таъкидлашича, банк ўтган йили катта муваффақиятларга эришди. Молия бирлашмасининг 2002 йилги даромади 3,9 миллиард еврони ташкил этди. Биргина Россияда 1,3 миллиард евро миқдоридаги дастурлар амалга оширилди. ЕТТБ аъзоси бўлган Шарқий ва Марказий Европанинг 8 мамлакати Европа Иттифоқига қабул қилинишида, албатта, молия ташкилотининг ҳам муҳим ҳиссаси бор. Бошқарувчилар кенгаши раҳбари шу билан бирга ЕТТБ ҳал қилиши зарур бўлган масалаларни ҳам айтиб ўтди. Масалан, банк фаолият юритаётган айрим мамлакатларда ҳали ҳам қашшоқлик, коррупция, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши асосий муаммо бўлиб турибди.

Шундан сўнг ЕТТБ Президенти Ж. Лемьер сўз олди. Лемьернинг билдиришича, Марказий Осиёдаги 12 йиллик фаолият, тажрибалар шундан далолат бермоқдаки, минтақа салоҳиятини тўла намоён қилиши учун биринчи навбатда демократия ва эркин бозор тамойилларига риоя этиш ҳамда қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА.** *Жан Лемьер — 1950 йил 6 июнда Сейнт-Адресса (Франция)да туғилган. Франция Молия ва иқтисод вазирлиги, солиқ бошқармаси, Европа Иқтисод ва молия қўмитасида раҳбар лавозимларида ишлаган. 2000 йил 3 июлдан ЕТТБ Президенти.*

* * *

Йиллик анжуманга 200 га яқин нодавлат ташкилот вакиллари, 600 га яқин бизнесмен, ишбилармонлар билан бир қаторда Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлат раҳбарлари ҳам таклиф этилганди. Бошқарувчилар кенгашида ушбу мамлакат раҳбарлари ҳам табрик нутқи билан иштирок этдилар.

Инглиз ёзувчиси Р. Киплингнинг: "Шарқ, бу — Шарқ, Ғарб, бу — Ғарб, улар ҳеч қачон учрашмайдилар", деган гапи кўпчиликка маълум ва машҳур. Ҳозир ҳам ана шу иқтибосни дастак қилиб, Шарқу Ғарб зиддияти ҳақида фалсафа сўқувчилар топилади. Президентимиз ўз маърузасида Киплингнинг сўзлари ҳақиқатдан узоқ эканини Ғарбу Шарқ дарвозаси — Тошкентда ЕТТБ йиллик йиғилишининг ўтказилиши ҳам кўрсатиб турганини таъкидлади. Қизиғи, банк раҳбари Лемьер ҳам Бизнес-форумдаги чиқишларидан бирида айни шу сўзларни айтиб ўтди. Шунинг ўзиёқ икки буюк тамаддун уйғунлигига далолат бўла олади, албатта.

## БАНК БОШҚАРУВЧИЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Бошқарувчилар кенгаши душанба куни "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида муҳокамада давом этди. Унда ЕТТБга аъзо барча мамлакат ва Европа Инвестиция банки, ҳамда Европа Иттифоқи вакилларининг ҳисобот маърузалари тингланди. Кузатув шуни кўрсатдики, 60 га яқин делегацияларнинг 5 таси (Буюк Британия, Швеция, Норвегия, Чехия, Словения) ни аёл раҳбарлар бошқарди. Нотиқлар ўз маърузаларида турли муаммоларни кўтаришди, эришилган муваффақиятлардан сўзлашди. Масалан, Янги Зеландия вакили ЕТТБ билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик етарли эмаслигидан гапирди. Сербия ва Черногория Молия вазири 2005 йилда ўтказилажак йиллик учрашувга мезбонлик қилиш учун энг муносиб номзод унинг юрти эканини таъкидлади. Яна айримлари... Келинг, яхшиси, ўша айримларнинг сўзларини айнан келтира қолайлик.

**Милен Велчев, Болгария Молия вазири, Банк Бошқарувчиси:**

*— ЕТТБ Болгарияда 182 миллион евро қийматга эга 6 та янги лойиҳани амалга татбиқ қилишга ёрдам берди. Натижада мамлакатимизнинг банк сармояси портфелидаги ҳиссаси 2,7 фоиздан 4,7 фоизга ошди. Болгария бундан кейин ҳам барча халқаро ташкилотлар қаторида ЕТТБ билан ҳам мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиради.*

**Масажуро Шиокава, Япония Молия вазири, Банк Бошқарувчиси:**

*— Минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк вазифасини бажарган. Ана шу йўл орқали савдо буюмлари билан бирга ғоялар ҳам бир юртдан иккинчисига ўтган ва бу жараён Узоқ Шарқда жойлашган Япония маданияти ҳамда тарихига ҳам катта таъсир кўрсатган. Келгусида қитъа ичкарисида жойлашган Марказий Осиё ва Кавказ иқтисодиётини боғлашда бизга ана шу тарих сабоғи асқотиши мумкин.*

**Мато Црквенач, Хорватия Молия вазири, Банк Бошқарувчиси:**

*— 1993 йилдан буён ЕТТБ Хорватияга 1 миллиард евро миқдорида маблағ ажратди ва унинг деярли 60 фоизи хусусий секторга йўналтирилди. Бу банкнинг мамлакатимиз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қўшган катта ёрдами бўлди.*

*Бугунги кунда барча ўтиш босқичидаги давлатлар каби Хорватия ҳам ўз келажагини Европа Иттифоқига қўшилиш, интеграцияда кўрмоқда. Ишонамизки, ҳаракатларимиз ўз натижасини бериб, 2007 йилда биз ҳам ЕИ аъзолигига номзод давлатлар олдига қўйилган барча талабларни адо этишга эришамиз.*

Кенгаш якунида бошқарувчилар 2002 йилги ҳисобот, 2003 йил учун бюджетни тасдиқладилар. Шунингдек, Люксембург Бошқарувчиси Жорж Хейнен 2003-2004 йиллар учун Бошқарувчилар кенгаши раиси, Германия ва Руминия Бошқарувчилари раис ўринбосари этиб сайландилар.

## ЛЕМЬЕР КУТГАН САВОЛ

ЕТТБ Президенти кенгашдан сўнг ўтказилган матбуот конференциясида хориж ва маҳаллий ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берди. Лемьер, жумладан, йиллик йиғилиш натижаси ҳақида гапирар экан, муҳим йўналишларни санаб ўтди. Президентнинг билдиришича, банк халқаро ҳамжамият эътиборини Марказий Осиёга қаратмоқчи бўлди ва бунга эришди. Иккинчидан, нафақат расмий доиралар билан, ишбилармон ва нодав-



лат ташкилот вакиллари билан ҳам очиқ мулоқот ўрнатилди. Учинчидан, минтақадаги савдо-иқтисодий тўсиқлар ҳам давлат раҳбарлари микёсида муҳокама қилинди. Лемьер "Assosiated Press", "Financial Times", "BBC", "Озодлик" каби хориж ОАВ вакилларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги саволларига ҳам ўз муносабатини билдирди. Унинг таъкидлашича, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари, демократик талаблар бажарилиши бўйича бир йил давомида қатор тадбирлар олиб борилади ва ана шу кузатув асосида банкнинг кейинги фаолият йўналиши белгиланади.

"Жаҳон" АА вакилининг "Сиз журналистлардан кутган, лекин берилмай қолган савол қайси?" деган саволига у шундай жавоб берди: "Сиз бизни жуда ҳам меҳмондўст, очиқ кўнгиллик билан кутиб олдингиз. Мен сизлардан шу ҳақда сўрашингизни кутгандим. Агар мендан анжуман яхши ташкилландими, деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмай "ҳа" деб жавоб берган бўлардим".

## «THE BANKER» БОШ МУҲАРРИРИНИНГ АЙТИШИЧА...

ЕТТБ анжумани маҳаллий журналистларимиз учун тажриба, маҳорат майдони вазифасини ўтади дейишимиз мумкин. Чунки ана шу нуфузли тадбирлар давомида журналистларимиз ўртасида тезкор ахборот учун кураш кечгани, яъни оз бўлса-да, рақобат муҳити юзага келганини кузатдик. Албатта, бу илк қадамлар. Бироқ барибир тан олиш керак, хориж журналистларининг ахборотга бўлган чанқоқлиги, тезкор маълумотларга эга бўлиш иштиёқи нисбатан кучлироқ экани матбуот анжуманларида, мулоқотларда яна бир карра намоён бўлди. Бу борада хорижлик ҳамкасблар фикри қандай? Улар маҳаллий журналистларимиз ҳақида нима дейди?

**Майкл Андерсен, Дания радиосининг Марказий Осиё ва Афғонистондаги мухбири:**

*— Ўзбек журналистикаси ҳали у даражада ривожланган деб бўлмайди. Чунки айрим журналистларда ҳамон мардлик, кенг кўламли билим етишмайди. Мен қисман матбуотингиз билан танишман. Баъзида кузатиб ҳайрон қоламан, журналистлар нима муҳим-у, нима номуҳим эканини ҳам билмайдилар. Мустақилликка эришганингизга 10 йилдан ошганига қарамай, айрим журналистларингиз мақтову баландпарвоз гаплардан бўшамаяпти. Жамият тараққиёти ОАВга боғлиқ. Бу масъулиятни ҳар бир журналист унутмаслиги зарур.*

**— ЕТТБ йиллик анжумани минтақа иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?**

**Стефен Таймвелл, "The Banker" ("Банкир") журнали бош муҳаррири:**

*— ЕТТБнинг асосий фаолияти ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва янги имкониятларни кашф этишга қаратилган. Ҳозирги кунда Марказий Европа мамлакатлари сезиларли иқтисодий муваффақиятларга эришди ва ўз-ўзидан эндиликда банкнинг асосий эътибори Марказий Осиёга қаратилди. Анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши мамлакатингиз учун фақат ижобий натижалар келтиради.*

**Изоҳ.** *"The Banker" журнали 1926 йилдан буён Лондонда нашр этилади. Журнал халқаро молия оламида етакчи мавқега эга. ЕТТБ йиллик анжумани муносабати билан "The Banker"нинг 2003 йил апрель сонида Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган 15 саҳифалик ҳажмда бир нечта мақола эълон қилинган.*

Европа назарини мамлакатимизга қаратган нуфузли анжуман якунланди. Унда нафақат иқтисодий-сиёсий, маданий аҳамиятга молик масалалар ҳам муҳокама қилинди. Ниҳол кун ўтиб ҳосил беравермайди. Кўчатнинг куч-қувватга тўлиб, мева бериши учун фурсат зарур. Йиллик анжуман доирасида кўриб чиқилган масалалар рўёби учун ҳам маълум вақт талаб этилади.

**Собиржон ЁҚУБОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири**

## ✓ Маҳалла

# «ТОШЛОҚ»НИНГ «КАТТА»СИ

*Ҳасан ака ишга ҳамиша эрта келишга одатланган. Ўша куни ҳам ёмғир шаррос ёғаётган бўлса-да, ҳар галгидек уйдан барвақт чиқиб, гузар тарафга юрди. Кўчада одамлар ғимирлаб қолишган. Машиналар, кажавали мотоцикллар бозор томон ўтиб боради. Кимдир буғдой, биров картошка-сабзи, тижоратчилар эса буюмларини ортиб саҳардан савдога шошади. "Одамларда ҳаракат, деҳқон ишида ривож бўлса, бозорда ҳам барака бўлади", кўнглидан ўтказди оқсоқол.*

*Ишхонага кириб радиони қўйди. Дилрабо куйдан кўнгли яна кўтарилди. Янги келтирилган газеталарни қўлига олиб, бирма-бир кўз югуртирди. Тўйлар, маросимларни ўтказиш бўйича тавсияларни қайта-қайта эринмай яна ўқиб чиқди. Мана шу асосда тадбирлар белгилаб олишни ният қилиб қўлга қоғоз-қалам олди. Шу вақт телефон жиринги хаёлини бўлди.*

*— Ҳасан ака, саломатмисиз? Зап иш қилибсиз-да, жуда хурсанд бўлдим, раҳмат. Сиздек олижаноб одамлар кўп бўлса, юртимиз янада обод бўлади. Ажралишлар бўлмасди, болалар тирик етим қолмасди. Яраштириб савобнинг тагида қолибсиз, — деди ҳоким муовини С. Султонов.*

*— Собиржон, жаҳл келганда ақл кетади, дейишади. Эр-хотин ҳам ўз хатоларини тушунишди. Орада фарзандлари бор, қолаверса, бир ташкилотнинг раҳбари, турмуш, рўзғорнинг аччиқ-чучугидан аразлаганлар сўнгра пушаймон бўлишади, — деди раис.*

"Тошлоқ" деган бир маҳалла бор. Буни биргина бўкаликлар эмас, Пскент, Оққўрғон, Бекобод, Олмалиқ аҳли ҳам яхши билади. Беш йилдирки, Ҳасан ака Мирбобоев шу ерда маҳалла қўмитаси раиси.

Аҳоли сайлов чоғида бу инсонни ўзларига раҳбар қилиб олишда янглишмаган экан. Балки 38 йил Бўка тумани "Сельхозтехника" (ҳозирги машина трактор парки) корхонасида бошлиқ бўлиб ишлаганларини инобатга олишгандир. Ҳа, намунали оила соҳиби, ташкилотчи одам, шу маҳалланинг обрў-эътиборли кишиларидан бири, қалби пок, ғайрат-шижоатли, уйғоқ фикрли инсон элига бош бўла олишига улар ишонишганди.

Маҳалла қўмитаси идорасида суҳбатлашиб ўтирибмиз-у, бу ерга ўз юмуши билан келиб қолган уй бекаси Насибахон Ғофуровадан бир сўз олмоқчи бўлдик. "Раисимиз тилло одам. Қачон, қайси вақтда ишимиз билан бу ерга келсак, ҳамиша хизматга тайёр. Маҳалла ободлиги, аҳоли тинчлиги йўлида кўп хайрли ишларга бош-қош".

Насибахон таъриф берганидек, бу бор гап экан. "Карим ота" гузарини кўриб, кўчаларини кезиб, кишилар қалбига қулоқ тутиб бунга амин бўлдик. 2300 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган "Тошлоқ" маҳалласида зангори олов ёнмаган, тоза ичимлик суви олиб кирилмаган хонадон йўқ. Йўллари асфальт, кўчалари тунда ҳам чароғон. Аҳолига маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш ишлари ҳам юқори даражада, десак муболаға бўлмайди. 10 та чойхона, 12 новвойхона, 5 та савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда. Дорихона, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш, радио-телевизор созлаш устахонаси аҳоли хизматида. Болалар боғчаси ишлаб турибди, ўйингоҳ, спорт майдончалари ҳамиша ёшлар билан гавжум. Маҳалланинг болалар футбол жамоаси туман чемпиони ҳисобланади. Бу ерда спортни ривожлантиришга ниҳоятда эътибор катта.

Ҳасан Мирбобоев иш режасини, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни, энг аввало, аҳоли таклиф ва истаклари, эҳтиёжи, бозор иқтисодиёти, давр талабидан келиб чиқиб белгилаб олади. Бунда Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, дастурлар, тавсиялар асосий манба, бош қўлланма вазифасини ўтайди. Шу боис "Тошлоқ" тумандагина эмас, Тошкент вилоятидаги энг намунали маҳалла қўмиталаридан бири саналади. Бир неча бор кўрик-танловларда совриндор бўлган. Шу соҳанинг кўплаб оқсоқоллари уларнинг илғор иш тажрибасини ўрганишга келиб кетишади.

— Маҳалламизда 368 хўжалик бор, — дейди Ҳасан ака. — 186 нафар қария пенсия олади. 841 оила ижтимоий муҳофазада. Болалар нафақаси, моддий ёрдам тариқасида ҳар ойда 1 миллион 300 минг сўмга яқин маблағ ўз вақтида тарқатилади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз яшовчилар, серфарзанд оилалар ҳамиша диққат-эътиборимизда. 3 та болалар боғчасида маҳалла аҳлининг 320 нафар бир-биридан ширин дилбандлари тарбияланмоқда.

Хорижда — Ҳиндистонда, Покистон ва бошқа давлатларда кўп бўлганман. Юртимизни ўн беш йил илгари чет элликлар танимас эди, тасаввур этолмасди. Аллоҳга шукр, Ўзбекистонни дунё билди, тан олди, шундан суюнаман. Қарияларни қадрлаб, барча маҳаллалар обод ва кўркам бўлсин, деб астойдил жон куйдираётганим билан ҳақли равишда ғурурланаман, — дейди Ҳасан ака.

**Турсунали УСМОНОВ**

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча ташкилот ва корхоналар диққатига!

Республикамизнинг йирик ва универсал банкларидан бири Акциядорлик тижорат

«ПАХТА БАНК»

Сизларга 3 ой муддатга йиллик 22 фоиз ҳамда 6 ой муддатга йиллик 26 фоиз даромад тўланадиган депозит сертификатларини таклиф этади.

Ҳар бир сертификатнинг номинал қиймати 100 000 (юз минг) сўм.

Имкониятингизни қўлдан бой берманг!

«ПАХТА БАНК» — фаровонлигингиз калитидир!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 78-10-94, 173-25-51.

